

# О БОД МАҲАЛЛА – ЗОД МАҲАЛЛА



Шарқ машъали, деб ном олган Тошкент шаҳри кун сайин ҳам энига, ҳам бўйига ўсиб, кенгайиб, миллионлар яшайдиган ҳақиқий мегаполисга айланди. “Янги Тошкент” маскани эса жадаллик билан бунёд этилмоқда. Метронинг ҳалқа йўли қуриляпти. Сирғали мавзесининг яқиндагина ташландиқ ҳолда ётган теварак-атрофифа минглаб ҳамشاҳарларимиз учун уй-жойлар қад кўтарди. Улар орасида кам таъминланган оиласлар учун қурилган уйларнинг кўплиги мамлакатимизда ҳақиқий маънодаги инсонпарварлик сиёсати устувор эканидан далолат беради. Бугунга келиб юқоридаги каби улкан қурилишлар нафақат пойтахтда, шунингдек, республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ҳам юз кўрсатаётгани кишини қувонтиради. Бир сўз билан айтганда, ота-боболаримизнинг фаровон ҳаёт ҳақидаги орзулари ушалмоқда.

Юнусобод даҳаси ҳам тобора чирой очмоқда. Ўзбек шоираси Жаҳон отин Увайсий номидаги маҳалла даҳадаги энг кўркм, озода маҳаллалардан бири саналади. Маҳаллада 22 та кўп қаватли уйлар жойлашган. Мазкур уйларнинг иккитаси 9 қаватли бинолардир. Жами 8 630 нафар аҳоли истиқомат қилади. Кўриниб турибдик, маҳалла катта. Демак, унинг ташвишлари ҳам шунга яраша. Аҳолининг иссиқ-совуғидан доимий равишда хабардор бўлиб туриш эса осон иш эмас. Аваллари мазкур маҳаллада ҳам кўп қаватли уйлардаги аҳоли ўртасида иссиқ ва совуқ сув таъминоти, иссиқлик энергияси тармоқларининг носозлиги юзасидан шикоятлар кўп эди. Жумладан, айрим уйларнинг ертўлаларини заҳ қоплаб, улардаги сув узатиш ҳамда оқава сувларнинг қувурлари тез-тез ишдан чиқсан ҳоллар кўп бўлган. “Бир товуқга ҳам сув керак, ҳам дон керак” дейди халқимиз. Шаҳар миқёсида тураржойларга хизмат кўрсатувчи, уларни назорат қилувчи тизимлар ҳар қанча кўп бўлмасин, ўшадон ва сувнинг ташвиши охир-оқибат хонадон соҳиби билан хусусий уйжой мулқдорлари ширкати зиммасига тушади.





**Лариса ПРИВАЛОВА,  
“Кафолат таъмир” МЧЖ раиси**

Ана шундай муроҳазалардан келиб чиқиб, “Увайсий” маҳалласи уй-жой мулқдорлари ширкати раҳбарлари масалани ўзига хос тарзда ечишга киришдилар. Бу ерда биринчилардан бўлиб, 2001 йилдаёқ, маҳалладаги кўп қаватли уйлар хонадонларига, мавжуд 22 та туаржой биносига тўла хизмат кўрсатувчи “Кафолат таъмир” Масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) ташкил этилиб, унга коммунал хўжаликлирида кўп йиллар ишлаб, тажриба орттирган Лариса Привалова раҳбар этиб тайинланди. Ўшанга ҳам 18 йил бўлиди. Ўтган давр мобайнида жамият ҳам ривожланди, аҳоли ҳам уй ичидан кўнгли тўқ, хотиржам яшамоқда. Ахир битта жўмракнинг носозлиги туфайли хонадон соҳибининг асаблари қанчалик таранг бўлишини кўп қаватли уйда турганлар яхши билишади. Хонадонга иссиқ ва совуқ сув келмай қолса ёки ертўлалардаги қувурлар занглаб, ишдан чиққандаги машмашаларни эса айтмаса ҳам бўлади. Мана ўн етти йилдирки, ушбу маҳаллада юқоридаги каби ҳолатлар юз бериши билан “Кафолат таъмир”нинг ходимлари ўша жойда ҳозиру нозир. Камчиликлар ўз вақтида ва сифатли бартараф этилади.

Бугунга келиб кичкина бир жамият кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатадиган катта компанияга айланди. Эндиликда мазкур таъмир компанияси Юнусобод мавзесидаги кўпгина кўп қаватли туаржой биноларига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда. Компанияда 22 нафар тажрибали ишчи ва мутахассислар меҳнат

қилишади. Ўзига қарашли ишлаб-чиқариш базаси, устахоналари, жиҳозлари, асбоб-ускуналари, токарлик цехи, қурилиш материаллари омборхонаси ишлаб турибди. Хонадонларнинг санитар-техникаси ва коммуникация билан боғлиқ барча жиҳозларни, иссиқлик батареяларини мавсумга тайёрлаш, уларни ювиб, тозалаш, эскирган қувурларни алмаштириш, томларни ёпиш ва таъмирлаш, уйларнинг атрофларини ободонлаштириш, болалар майдончалари барпо этиш каби инсон ҳёти учун зарур кундалик юмушларни сифатли бажариш компанияни элга танитмоқда. Тижорат банкларидан 1,5 млрд. сўм кредит олинган эди. Ҳозиргача олинган қарзнинг 780 млн. сўми қолди.

– Кўп қаватли уй таъмрталаб бўлиб қолганда, – деб бизга тушунтириди “Увайсий” маҳалласи фуқароси Раҳматилла Шералиев, – сайлаб қўйилган уй бошлиғи хусусий уй-жой мулқдорлари ширката умумий йиғилиши қарори асосида компания бошқармаси билан тўғридан-тўғри шартнома тузади. Мулқдорларнинг йиғилган маблаги компания ҳисоб рақамига келиб тушгач, таъмир ишлари бошланади.

– 90 фоиз йўлаклар тўла таъмрдан чиқарилиб, ҳамма қаватларга замонавий дарчалар ўрнатилди. Шахталар ва бошқа жойлардаги занглаган, эскирган қувурларнинг барчаси алмаштирилди. Уйларнинг томлари, болалар майдончаларигача таъмирланиб, фарзандларимизнинг очиқ ҳавода ўйнаб-кулишлари учун барча шароитлар яратилган, – деди биз билан сұхбатда маҳалла фаоли Дилбар Усмонова.

– Ишхонамида 22 нафар одам меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси хунарманд, ҳатто фарроштаримиз ҳам иш бўлганда қараб туришмайди, – дейди компания директори Лариса Привалова. – Пайвандчимиз Суннатилла Бадалов, электрчи Николай Александровларнинг хунарига гап йўқ, иккалалари ҳам ўта тажрибали. Уларнинг орқаларидан ҳамма вақт раҳмат эшитамиз. Боя айтганимдек, маблагимиз етарли. Мақсадимиз қишли-қировли кунларда аҳолимиз уста чақириб сарсон бўлмасин. Уй-жойларни, иссиқлик тармоқларини, шунингдек, иссиқ ва совуқ сув қувурларини созлаб қўйсак, нафақат аҳоли, айни пайтда ўзимиз ҳам қўйналмаймиз. Ахир, охир-оқибат, ўша юмушларни ўзимиз бажаршимизга тўғри келади-да. Шундай эмасми?

Журналишимиз фото мухбири Козим Ўлмасов тасвирга туширган суратлардан ҳам кўриниб турибди: “Увайсий” маҳалласи обод. Ободлик эса озод юртдагина бўлади.

### Ёқубжон Хўжамбердиев



**Хусусий. уй-жой мулқдорлари ширкати фаолиятидан лавҳалар.**